



100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko'ch., 96
- Telefon: (998-71) 246-01-95; Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Ph:(998-71)246-01-95, Fax: 246-10-81 Web-site: www.edu.uz

19.07.2018 № 87-03-2693

ОТМлар ректорларига

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси ҳамда вазирликнинг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон миллий университетидида **2018 йилнинг 27-28 сентябрь кунлари** “Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилишини маълум қиламиз.

Анжуманга тезислар 2018 йилнинг 20 август кунигача қабул қилинади.

Шу муносабат билан мазкур анжуман тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги соҳа мутахассислари эътиборига етказиш ҳамда уларнинг фаол иштирокини таъминлашингиз сўралади.

Иловада: Анжуманнинг ахборот хати – 1 бетда.

Вазир ўринбосари



У.Бегимкулов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-Ф сонли Фармойишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академикларининг ташаббуси ва масъуллигида 2018 йилда бир қатор халқаро илмий ва илмий-техник анжуманлар ўтказилиши белгиланган.

Ушбу ҳужжатга биноан 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Ўзбекистон Миллий университетида “Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий конференцияси режалаштирилган.

Анжуман мақсади. Режалаштирилган анжуманда Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари, тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари ҳамда илғор тажрибалар алмашинуви мақсад қилинган.

Анжуманда маърузалар қуйидаги шўбалар бўйича ўтказилади.

1. Марказий Осиё хўжалик маданиятлари типлари, тарихий маданий вилоятлари (қадимги ва ўрта асрлар даври).
2. Этник ҳудудлар, этник чегаралар ва уларни хариталаш муаммолари.
3. Манбашунослик ва тарихий география
4. Миграция ва этно-маданий алоқалар
5. Марказий Осиё археологик тадқиқотлари, моддий ва маънавий маданияти.

Маъруза матнларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар. Тақдим этилаётган маъруза матни MS Word 2003, 2007 форматида, Times New Roman шрифтда, 14 хажм катталиқда, 1,5 интервалда ёзилади, қоғоз ҳажми А4 форматда (210x297мм), тепадан, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см, доирасида ёзилади, 1-қаторда мавзунинг номи, саҳифанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфларда, 2-қаторда муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, 3-қаторда муаллифнинг иш жойи ва лавозими, 4-қаторда матн ёзилади, илмий мақола матнлари бир нусхада ва электрон шаклда Ўзбекистон Миллий университети Археология кафедрасига тақдим этилади. Қабул муддати 2018 йил 20 августгача. Материаллар тўплам шаклида чоп этилади. Анжуман материаллари рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин ва 2-3 бетдан ошмаслиги лозим.

Анжуман ташкилий қўмитаси: Ўзбекистон Миллий университети (боғланиш учун масъул шахслар: А.Шайдуллаев +998935149080, Ж.Тоғаев +998977419007; Тел иш.: 8(371) 2467039)

e-mail: alisher@myself.com, jasur.erkinovich.1990@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети, Тарих факультети, Археология кафедраси.